

---

## 86,3 ФОИЗ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМГА ҚАМРОВ ДАРАЖАСИ БИЛАН ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ РЕСПУБЛИКА ҲУДУДЛАРИ ОРАСИДА БИРИНЧИ ЎРИНДА!

Фарғона вилоятида 2022 йил якуни бўйича 3-7 ёшдаги болалар сони 308 минг 412 нафарни ташкил этиб, умумий ҳисобда 3329 та мактабгача таълим ташкилотларига 265 минг 234 нафар болалар қамраб олиниб, қамров кўрсаткичлари 86,3 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич билан вилоятимиз Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ўртасида энг юқори мактабгача таълимга қамров даражасини қайд этди.

Вилоятимизда 83 та хусусий МТТларда 20 минг 273 нафар, 112 та давлат шериклигидаги МТТларда 9 минг 880 нафар, 2239 та оилавий шаклдаги МТТларида 57 минг 672 нафар болалар қамраб олинган.

Йил давомида вилоятдаги тўлиқ қувватда ишламаётган мактабгача таълим ташкилотларида тўлиқ кунли ва қисқа муддатли гуруҳлар ташкил этиш, янги нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда ДМТТ реконструкция қилиш ва таъмирлаш ҳисобига қамров кўрсаткичлари бугунги кундаги 86,3 фоизга етказилди. Нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олинган болалар улушини 25 фоизгача етказиш белгиланган бўлиб, бугунги кунда ушбу кўрсаткич 33,1 фоизни ташкил этмоқда.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2023-01-05 11:39:25